Давлат китоб палатаси
Книжная палата УзССР
Н4 897

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

9 июль, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 144 (1661)

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

8 июль куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония либерал-демократик партияси вице-президенти Кейзо Обучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирокида Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлиги масалаларига бағишланган «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари, корпорация ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

-- Япония Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришдан ҳар томонлама манфаатдордир, -- деди анжуманда сўзга чиққан Кейзо Обучи. -- Шу боис делегациямиз таркибида ҳукумат аъзолари билан бир қаторда Япониянинг ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда фан намояндалари бор.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидовнинг «Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти», ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниевнинг «Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг истиқболлари» мавзуидаги маърузалари тингланди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органларининг тезкорлигини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашда уларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил қилиниб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлаб турган божхона хизматлари негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармалари тузилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган ваколатлар доирасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

божхона ишларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида божхона назоратини таъминлаш, шу чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтишини тезлаштиришга имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш;

контрабандага, божхона қонунчилигини бузишларга қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадиий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, ақлий мулк объектлари республиканинг божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш;

савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг божхона воситаларини қўллаш, бож ҳақи, солиқлар ҳамда бошқа божхона тўловларини ундириб олиш;

хорижий давлатларнинг божхона органлари билан, божхона иши масалаларига мутасадди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятга оид божхона статистикаси ва товар номенклатурасини юритиш;

божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда унга ишлов бериш борасидаги автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиб, у қуйидаги ҳуқуққа эгадир:

божхона масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, белгиланган тартибда халқаро битимлар ва шартномалар тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларига амал қилган ҳолда божхона органларининг ваколатига дахлдор ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ишлари ва зарур тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш;

божхона қонунчилиги бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий таъсир чораларини қўлланиш;

айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласи давлат божхона органларининг ваколатлари доирасидан чиқадиган ҳолларда ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича ҳужжатларни тергов ва суд органларига топшириш;

товарлар ва транспорт воситалари республика божхона чегараси орқали олиб ўтилишининг қонуний асосларини аниқлаш учун вазирликлар, идоралар, ташкилотлардан ва маҳаллий ҳокимият идораларидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларидан (мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар) белгиланган тартибда материаллар ва ҳужжатларни олиш.

4. Шу нарса белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ўз ваколати доирасида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган қарорлар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро этишлари учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ходимлари учун белгиланган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар, хизматни ўташ, жумладан, махсус ва шахсий унвонлар бериш, лавозим маошларига ҳамда кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига нисбатан жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Бош давлат солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги Фармонининг иккинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, шунингдек, мазкур Фармоннинг кириш қисмидаги «ва божхона» сўзлари олиб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 8 июль.





ФОТОНИГОҲ



## КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

***Чиноз пахта тозалаш заводи қошида ташкил этилган кичик корхонани бутун шаҳар аҳолиси яхши билади.***

*Сабаби, бу ерда турли кийим-кечаклар, резина ип, пайпоқ, тўшак-чойшаб каби кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, корхона ишга тушгач, кўплаб ёшлар муҳим иш билан таъминландилар.*

**Х. МИРЗАКАРИМОВ.**

***СУРАТЛАРДА:** техник назоратчи Қундуз Нурматова; иш юритувчи Олимжон Комилжонов ва ишчи Жаҳонгир Норматов дастгоҳни кўздан кечираяпти; илғор йигирувчи Гўзал Жўраева.*

**Муаллиф олган суратлар.**

• *ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА*

## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида айни пайтда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз қўмита раиси Абдурафиқ АҲАДОВга ана шундай савол билан мурожаат қилди.***

-- Хабарингиз бор, аввалги сессияда умумхалқ муҳокамасидан кейин Солиқ кодекси қабул қилинган эди. Солиқ кодексини ана шу соҳага доир кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуаси деб аташ мумкин. Энди, табиийки, солиқ хизмати хусусида ҳам янги қонун зарурати пайдо бўлди. Шу боис, қўмитамизда давлат солиқ хизмати тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси устида иш олиб бораяпмиз. Солиқчилар айни пайтда Низом асосида иш юритмоқдалар.

**-- Янги қонун қабул қилингудек бўлса, солиқчилар Низомсиз ишлайдиларми?**

-- Йўқ. Янги қонунга асосан янги Низом ишлаб чиқилади.

**-- Эшитишимча, қўмитангизда назорат-таҳлил бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилаётган экан.**

-- Бундан анча аввал «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Қўмитамиз ишчи гуруҳи ана шу Қонуннинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидаги ижросини ўрганди. Уни қўмитамизнинг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилишни режалаштирганмиз. Назорат-таҳлил бўйича ишларимизни режага мувофиқ мунтазам давом эттирамиз.

**Ўз мухбиримиз.**

• *«ҒАЛЛА-97»*

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Навоий вилояти деҳқонлари ғалла топшириш давлат буюртмасини бажардилар. Эл хирмонига 66,6 минг тонна дон тўкилди. Ўртача ҳосилдорлик 30,5 центнерни ташкил этди.

Яна икки минг тонна дон топширишга қарор қилинди.

(ЎзА).

## БЕШРАБОТГА СУВ КЕЛДИ

***Навбаҳор тумани маркази Бешработ қўрғонига Дамхўжа қувури орқали сув келди.***

Бу ерда бешта сув узатиш насоси ўрнатилди, ҳар бирида 2,5 минг кубометр сув тўпланадиган иккита ҳовуз қурилди, саккиз километрлик водопровод тармоғи фойдаланишга топширилди. Республика мустақиллигининг 6 йиллиги байрамигача Бешработ қўрғонининг барча аҳолиси водопровод сувидан баҳраманд бўлади.

**Ё.УМАРОВ.**

• *МИЛЛИЙ ДАСТУР*

# КЕЛАЖАК – ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИКИ

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ. Сира ёдимдан чиқмайди. Саксонинчи йиллар. «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг фан, маданият, олий таълим бўлимига мақола кўтариб кирган домла ўзини Тошкент автомобиль йўллари институти ўқитувчиси деб таништирди. Мақола бўлимдагиларга маъқул тушди ва тез орада «Ҳисобини билмаган» сарлавҳаси билан эълон қилинди. Анча муаммоли, тишли-тирноқли мақола бўлгани учун газета таҳририятига хатлар кела бошлади.**

**Тақдирни қарангки, шу институтни битириб, шу ерда дарс бериб, илмий иш қилиб, кандидат, доктор, профессор, «Хизмат кўрсатган фан арбоби» бўлган ўша муаллиф студентликдан раҳбар даражасигача кўтарилиб, бугунги кунда Тошкент автомобиль йўллари институти ректори лавозимини бажаряпти. Бу суҳбатдошимиз -- Сарвар Муқодирович ҚОДИРОВ бўлади.**

**-- Шошиб институт эшигидан кираётганимда... радиодан тарқалаётган Ўзбекистон мадҳиясини эшитиб этларим жимирлаб кетди.**

-- Бу бизда одат. Ҳар куни бешта кам саккизда мадҳиямиз янграйди. Кейин ҳуқуқий, маданий-маърифий марказ бошлиғи, устозимиз Фатҳулла Зикриллаев тузган дастур асосида адоб-ахлоқ, юриш-туришдан тортиб, яна бошқа турли мавзуларда суҳбатлар эшиттирилади ва у танаффус пайтларида ҳам олиб борилади. Ниятимиз -- ёшларда миллий ғурур уйғотиш, уларни Ватаннинг қадрига етадиган инсонлар қилиб тарбиялаш. Чунки келажак — ёшларники. Ўзбекистон келажагини эса иқтидорли ёшлар, олимлар белгилайди.

Шу маънода, «Умид» ва «Камолот» жамғармалари йўли билан чет элга билим олиш, ўқиш, ўрганиш, ўзга юрт билан танишиш учун юборилаётган ёшларга, очиғи, ҳавасим келади. Чунки улар мустақил мамлакатимизнинг келажаги, эртанги куни. Биласизми, бир қанча чет эл давлатларида олий ўқув юрти талабалари кўпроқ кутубхоналарда мустақил тайёрланадилар. Уларнинг бекорчи, ортиқча вақти йўқ. Албатта, улардан етук, малакали мутахассис чиқади-да. Бизда-чи... Шу боис, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш комиссиясининг йиғилишида таъкидланганидек, энг муҳими, кадрлар масаласини ҳал этишимиз керак, акс ҳолда ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор. Бунинг учун билим масканларида ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига кўтариш лозим бўлади.

**-- Бу борада Сиз раҳбарлик қилаётган олий ўқув юртида қандай ишлар олиб борилянти?**

-- Бундан икки йил аввал тест синовларидан ўтиб, институтимизга қабул қилинган талабалардан инглиз тилини биладиган, иқтидорли 28 нафари ажратиб олинди. Уларга барча сабоқ инглиз тилида берилди. Пухта билим олишлари учун зарур ҳамма шароит яратилди. Уларга дарс берадиган, керак бўлган вақтда қўшимча соатлар ташкил қиладиган, ҳар бир талаба билан алоҳида шуғулланадиган домлалар ижтимоий ҳимояда бўлди. Элчихоналар орқали инглиз, немис тилидаги дарслик, қўлланма, видео, аудио кассеталар олдик, улар учун махсус хоналар ажратдик. Хуллас, ташкил қилган иқтидорли талабалар гуруҳи ўзини оқлади. Биринчи курсни тугаллаб, улар тест синовлари топширишди. Натижа ёмон бўлмади. Бундан хулоса чиқариб, ўтган йили 34 нафар талаба билан яна шундай гуруҳ ташкил қилдик. Мен Кореяда бўлганимда, бир нарсадан таъсирландим. Биласизми, европаликлар хусусий соҳаларга ўзини уриб, бойлик орттириб, яхши яшашга интилсалар, кореяликлар сердаромад хусусий соҳадан кўра, давлат муассасаларида меҳнат қилишни афзал кўрар эканлар. Давлат хизматчиси бўлиш бу ерда ғоят фахрли ҳисобланади. Уларни одамлар ҳам юксак қадрлар экан. Маълумотларга кўра, бор-йўғи беш фоизни ташкил этувчи бундай хизматчилар бутун мамлакат ривожини белгиламоқда, 95 фоиз халқ эса уларга эргашади.

*(Давоми 2-бетда).*

УШБУ СОНДА:

2-бет
«САЙХОН» НЕГА ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТДИ?
Уни иқтисодий ночор аҳволдан олиб чиқиш мумкинми?

3-бет

БАНК КРЕДИТИ
У ҲАҚДА НИМА БИЛАСИЗ?
АКЦИЯ -- МЎМАЙ ДАРОМАД

4-бет
РАҲБАР ОТАЛАР ВА РАҲБАР БОЛАЛАРНИНГ «ХИЗМАТЛАРИ» ХУСУСИДА
АЛПОМИШ ТАРИХИЙ ШАХС БЎЛГАНМИ?

• МИЛЛИЙ ДАСТУР

# КЕЛАЖАК — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИКИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**-- Ажаб эмас, Сиз тайёрлаётган иқтидорли талабалардан ўша айтаётган беш фоиз давлат хизматчилари чиқса...**

-- Яхши ният қилаверайлик-чи, қолаверса, билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифа эканлиги йиғилишда ҳам таъкидланди-ку!

**-- Янглишмасам, тўқсон иккинчи йилнинг худди шундай ёз палласи эди. Президентимиз Жанубий Кореяда сафарлари чоғида «ДЭУ» компаниясига қарашли «Паблик моторс» заводида бўлгандилар. Шундан кейин кузроққа бориб республика ҳукуматининг Асака шаҳрида автомобиль заводи барпо этиш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Завод ишга тушди ҳам, ўз маҳсулотини чиқаряпти. Бу ерга асосан Сизлар мутахассис етказиб беришингиз керак, шундайми?**

-- Фақат завод барпо этилгани учунгина эмас, балки республикамизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши учун ҳам биз етук мутахассис кадрлар тайёрлаб беришимиз лозим. Бунинг учун институтимизда автомобилсозлик факультети очилди, мутахассислар тайёрлаяпмизу, бироқ дарслик масаласи бизни қийнаяпти. Шуни айтиш лозимки, бошқа соҳаларга нисбатан техника соҳасида ўзбек тилида дарслик ёзадиган олимлар бармоқ билан санарли. Шу боисдан ҳам кучли-кучли мактаблар ва чет эл профессорлари дарсликларидан фойдаланяпмиз. Чунки бизнинг соҳада қайси давлат билан бўлмасин муштараклик кўп.

**-- Сарвар ака, гап автомобилсозлик устида борар экан, ҳозирги чиқарилаётган машиналарнинг деярли барча эҳтиёт қисмлари четдан келтирилади. Айтингчи, уларни ўзимизда тайёрлаш имкони бўладими?**

-- Хабарингиз бўлса, куни кеча Андижонда яна бир йирик Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. «Ўз-Тонг Хонг Ко» деб номланган бу корхона «Тико», «Дамас», «Нексия» учун ўриндиқлар ишлаб чиқаради. Муҳими, бунинг учун зарур деталларнинг 70 фоизи заводнинг ўзида тайёрланади. Сиз айтган эҳтиёт қисмларнинг ҳаммаси ўзимизда тайёрланиши учун шундай қўшма корхонадан яна 150 таси зарур бўларкан.

**-- Шундайку-я, ўзимизнинг автомобиль, ўзбек автомобили қачон яратилади?**

-- Шу кунгача сиз, журналистлардан сақлаб келаётган сиримни ошкор қила қолай... (Домла чиройли автомобилнинг рангли фотосуратини кўрсатдилар).

**-- Ия, бунақа машинани кўрмаганман.**

-- Бунинг номи «САНО»...

***БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ.* *Аслида ўзбек автомобилини яратиш ғояси Сарвар Қодировда туғилганига анча бўлган. Бу хусусда у хаёлнинг минг бир кўчасига кирган десак, янглишмаймиз. Ва ниҳоят республикада автомобилсозлик саноатининг бошланиши бу хаёлларни ҳақиқатга айлантиришга туртки бўлди. Институтда, ректор раҳбарлигида илк ўзбек автомобили чизмалари тайёрланди ва улар учун патент олинди. Ҳозир Фанлар академияси олимлари билан биргаликда дизайнерларнинг ёрдами билан мазкур автомобиль тайёрланяпти.***

-- ... Ажаб эмас тез кунларда бундай машиналар ҳам кўчаларимизни тўлдирса.

**-- Автомобиль заводи қурилиб, машина ишлаб чиқарилгандан кейин албатта йўллар, тоннелларга бўлган эҳтиёж ортади.**

-- Дарвоқе, йўл қурилиши мамлакатимиз учун жуда муҳим, бусиз биз жаҳонга чиқолмаймиз. Лекин олдин ҳудудлараро йўлларимизнинг жаҳон андозаларига мос бўлишига эътибор беришимиз лозим. Биз бу борада «Ўзавтойўл» концерни билан биргаликда иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари Германия, Швеция технологияларидан фойдаланяпмиз. Лекин ҳукуматимиз раҳбари ўзимизга хос, мос янги технология топишни талаб қиляптилар. Бу бизга юкланган катта масъулият.

**-- Миллий дастурни тузиш комиссияси йиғилишида ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш хусусида алоҳида таъкидланди. Бу соҳада...**

-- Бу соҳада биз нима қилдик? Институт қошида лицейимиз бор. Бу йил 46 нафар бола битирди. Улар механика ва иқтисод йўналиши бўйича тайёргарликдан ўтди. Бугунги кун бозор иқтисодиёти талаб этаётган бизнес масалалари ҳақида уларга кенг маълумот берилди. Насиб қилса, сентябрь ойидан гимназиямизни ҳам очмоқчимиз. Унинг бошқалардан фарқи барча фанлар бу ерда инглиз тилида ўқитиладиган бўлади. Шунингдек, мутахассисларга ўз иш жойида тезлаштирилган қайта билим бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Мана, ҳозир қўлимизда Навоий тоғ-металлургия комбинати билан тузилган шартнома бор. Бунга кўра, бизнинг энг кучли ўқитувчиларимиз бориб ишчиларга ўша ерда сабоқ беришади. Аслида бу ишчиларнинг ўзи тайёр инженер, чунки уларда тажриба, малака кўп, лекин қўлида ҳужжати йўқ. Уч йиллик сиртқи ўқувдан сўнг қарабсизки, уларга муҳандис дипломи берилади. Худди шундай ишни биз «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси билан ҳам амалга ошириш учун марказ ташкил этяпмиз.

**-- Ҳозир кўпгина олий ўқув юртларида, очиғини айтиш керак, ўқитувчиларнинг кетиб қолиш ҳоллари учраб турибди. Бунинг сабабини ҳам биламиз. Тирикчилик. Сизнинг институтингизда аҳвол қалай?**

-- Аҳволми? Аввало шуни айтиш керакки, бўлиб ўтган йиғилишда олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Тўғри, замонавий кадр тайёрлаш учун худди шундай устоз муаллимлар зарур бўлади. Шу маънода республика Фанлар академиясининг қатор институтларидан фанимизнинг кўзга кўринган, йирик олимларини ишга таклиф этдик. Чунки уларнинг билими, тажрибаси, мушоҳадаси кенг, кейин дарс бериш жараёни ҳам ностандарт. Бундай сабоқлар, албатта, талабалар учун ҳам қизиқарли бўлиши табиий. Қолаверса, бундай олимлар нафақат дарс беришади, балки институтда республика фан-техникаси ривожи учун ҳам ўз улушини қўшишга ҳаракат қилишяпти. Шундай бўлгач, барча олимларга илмий иш олиб бориш ва илмий маҳсулотни реализация қилиш учун шароит яратиш лозим. Уларнинг илмий ишидан солиқ олинмаса мақсадга мувофиқ эди. Бу ҳолда улар ижтимоий ҳимояланган бўларди. Албатта, яна таъкидлайман, бу илмий маҳсулот берадиган олимларга тааллуқли.

Бошқа олий ўқув юртлари сингари бизда ҳам хорижий давлатлар билим масканлари билан алоқамиз бор. ТАСИС дастури орқали ўн нафар ўқитувчи Англия, Германияда ўз малакасини ошириб қайтди. Бу ишимиз ҳали давом этади. Шунингдек, институтимизда давлатлараро Автомобилларда юк ташишни ташкил қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш сингари марказлар мавжуд. Компьютер саводхонлиги, тил ўргатиш бўйича, ҳайдовчиликка ўқитиш курслари фаолият кўрсатяпти. Булар албатта пулли бўлиб, бу ерда дарс берганидан ўқитувчилар манфаатдор, қўлида ҳужжат билан кетаётганлар билим олганидан мамнун. Мана энди хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг, ижтимоий ҳимояланган, қилаётган ишидан моддий манфаатдор қайси ўқитувчи институтдан кетгиси келади?!

**-- Институтда Ҳомийлар кенгаши ташкил этилгани ҳақида матбуотда хабар бўлганди. Унинг фаолияти қандай?**

-- Биздаги мавжуд марказлар тармоқ вазирликлари, корпорация, концерн ва компаниялар учун кадрлар тайёрлаб бергандан кейин ўйлаб қолдик. Бунинг эвазига улар бизнинг моддий-техника базамизни яхшилашга масъул бўлсалар ёмонми? Хуллас, шу фикрда «Ўзавтотранс», «Тошшаҳарйўловчитранс», «Ўзавтойўл», «Ўзавтосаноат» вазирликлари ёрдамида Ҳомийлар кенгаши туздик. Унинг раҳбарлигида эса талабалар жамғармаси ташкил этилди. Студент ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, ўқув лабораторияларини созлаб, яхши ўқишга шароит яратиш, яна талай муаммоларни ҳал этиш кенгаш ва жамғарманинг асосий вазифаси ҳисобланади. Биз ана шундай Ҳомийлик кенгаши ҳар бир олий ўқув юртида тузилишининг тарафдоримиз. Бироқ ҳомийлик бадаллари солиққа тортилмаслиги шарт, деб ўйлаймиз. Ахир бу хайрия, эҳсондан ушлаб қолишку?! Миллий дастурни тузишда шунга эътибор берилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

***БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ.* *Марказий Осиёда ягона ҳисобланган олий ўқув юрти -- Тошкент автомобиль йўллар институти ташкил этилганига бу йил 25 йил тўлади. Бу ерда қилинаётган ишлар кўлами, тайёрланаётган малакали мутахассислар, муҳандисларнинг ҳаётимизда тутган ўрнига қараб мазкур олий ўқув юртининг институт мақоми хусусида бир ўйлаб кўриш кераkмикан, деган хаёлга бордик.***

**-- Сарвар ака, мана Сиз раҳбарсиз. Айтингчи, раҳбар учун нима муҳим?**

-- Менимча, ҳар бир раҳбар ўзи эгаллаган ўрнига масъулият билан ёндошиши керак. Тўғри, бундан ташқари инсон бурчи, ҳуқуқи деган нарсалар ҳам бор. Лекин мен биринчи ўринга масъулиятни қўяман. Аввал елкангдаги масъулиятингни ҳис этиб, уни бажарда, кейин ҳуқуқингни талаб этсанг ярашади. Менинг ҳаётдаги йўлим шундай.

**Суҳбатдош: Умида ФАЙЗИЕВА.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА





**Азим Тошкент -- минтақамиздаги энг йирик маърифат маркази саналиши ҳеч кимга сир эмас. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган жуда кўплаб ўқув юртлари, илм масканларига нисбатан «Марказий Осиёда ягона... » иборасининг қўлланилиши ҳам ана шундан далолат беради.**

Тошкент давлат аграр университети ана шундай йирик илмий-ўқув марказларидан бир саналади. Шу ўринда университетнинг мавқеи ва нуфузи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун баъзи мисолларни келтириб ўтсак. Айни пайтда бу ердаги мавжуд кундузги ва сиртқи бўлимларда 4,5 минг нафарга яқин ёшларга 380 нафар профессор-ўқитувчилар замонавий қишлоқ хўжалик фанларидан сабоқ беришаяпти. Улар орасида қирқ нафардан зиёд фан докторлари, академиянинг уч нафар мухбир аъзоси бор. Талабалар олтита факультетда ўнлаб ихтисосликлар бўйича касбга йўналтирилади. Университет қошида ташкил этилган «Қибрай» ўзбек-турк ўғил болалар лицейи ҳамда гимназия ҳам намунали тарзда фаолият кўрсатаяпти.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳам катта эътибор берилаяпти. Бундай вазифалар эса биринчи навбатда ушбу соҳа бўйича энг йирик илмий-марказлардан бири бўлмиш аграр университети илм аҳилларидан улкан масъулият талаб этади. Зотан, университет олимларининг асосий диққат эътибори ҳам ернинг ҳосилдорлигини ошириш, сув хўжалиги самарадорлигини таъминлаш, экинларни зараркунандалардан ва ёввойи ўтлардан муҳофаза қилиш, чорвачилик ва ипакчиликни юксалтириш ҳамда селекция ва уруғчиликнинг илмий асосланган тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган. Бундай саъй ҳаракатлар эса агросаноат мажмуи механизмини такомиллаштириш ва қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилади. Илм масканида Жаҳон иқтисодиёт тараққиёти институтининг маркази ҳам очилган бўлиб, у дунёдаги 115 мамлакат вакиллари, жумладан, МДҲга аъзо барча давлатлар аграр олий ўқув юртлари, шу соҳа вазирликлари ва унга хизмат қилувчи банкларда фаолият кўрсатаётган кўплаб мутахассис ходимларни ўз атрофида бирлаштирган.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***СУРАТЛАРДА:* *университет ўқув залида; талабалар Шоҳида Умарова ва Феруза Ғойипова кутубхонада; университетнинг бир гуруҳ аълочи ёшлари; мева-сабзавотчилик факультети доценти Асатулла Отахўжаев (чапда) талабалар Нурмуҳаммад Сиддиқов ва Қаҳрамон Ҳайдаровлар билан ҳосил чўғини чамалашмоқда.***

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



• ЯХШИ ТОВАРЛАР КЎПАЙСИН

# ТАЛАБ АСОСИДА

Андижон механика заводининг вилоят, олтита шаҳар ва туман марказида очилган фирма магазинларида халқ истеъмол молларига талаб ва таклифлар ўрганилмоқда. Бу магазинлардан завод қошида ташкил этилган ижарачи корхонада ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол молларини сотиб олиш мумкин.

Ҳозирги вақтда ижарачи корхонада турмушда керак бўладиган юздан ортиқ номдаги буюмлар -- телеантенналар, боғ аравачалари, «Учқун» деб аталган болалар велосипедлари, болалар кроватлари, замонавий юмшоқ мебеллар ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона жамоаси ўз фирма магазинларида харидорлар фикрини ўрганиш туфайли йил бошидан буён ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 60 фоизини янгилади.

Шу йил баҳордан бошлаб ижарачи корхона жамоаси «ЎзДЭУавто» автомобилсозлари буюртмасини бажариб, «Дамас» маркали «Тез ёрдам» машиналари учун махсус матраслар, бир қанча бошқа ностандарт бутловчи буюмлар тайёрламоқда.

Корхона жамоаси йил охирига қадар кенг истеъмол молларининг 20 га яқин янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Ҳозир бу ерда халтали аравача, йиғма мебелни кўплаб ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил корхона 68 миллион сўмлик товар ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу -- ўтган йилдагидан 10 миллион сўм кўпдир.

**К. НИЗОМОВ.**

• БОЗОР ҚОНУНИЯТИ

# «САЙХОН» НЕГА ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТДИ?

**Уни иқтисодий ночор аҳволдан олиб чиқиш мумкинми?**

***Яқинда корхоналарнинг банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Жиззах вилоят комиссияси ана шу масалани ўрганиб чиқди. Унда маълум бўлишича, кейинги бир-икки йил ичида «Сайхон» корхонаси зарар кўриб ишлайдиган, тўлов қобилиятини йўқотган, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган. Бунга сабаб нима?***

Асосийси, корхона маъмуриятининг бозор муносабатлари шароитига ҳамон мослаша олмаётгани, ташаббус ва изланишнинг йўқлигидир. Бундан уч йил муқаддам «Сайхон» паррандачилик жамоа корхонаси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган, ҳар бири юз сўмлик 41814 та акция чиқарилганди. Унинг 20 фоизи жамият аъзоларига, 29 фоизи эса эркин сотувга чиқарилган эди.

Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 108 минг бош она товуқ боқишга мўлжалланган бўлсада, ҳозирги кунда у имкониятининг 29 фоизи даражасида фаолият кўрсатмоқда. Асосий йўналиш тухум ишлаб чиқаришга қаратилган. Аммо ўтган йили режадаги биронта кўрсаткич бажарилмади. Жумладан, ўн миллион дона ўрнига 1756 минг дона тухум ишлаб чиқарилади, холос. Товуқ гўшти вазнини орттириш 134,8 тоннага мўлжаллангани ҳолда, 63 тоннага уддаланган. Паррандалар бош сони 63,9 минг ўрнига 50,2 минг бошни ташкил этди. Ҳар бош она товуқдан 190 ўрнига 71 донадан тухум олинган.

Энг қизиғи, тухум олиш, вазн ўстириш учун озуқа сарфлаш ҳаддан зиёда ортиб, 315 фоизгача етган. Бу ҳол маҳсулот таннархининг икки баробар ошишига олиб келган. Устига устак, йил давомида 113 минг бошдан кўпроқ парранда нобуд бўлган. Унинг қиймати етти миллион сўмдан ошади. Оқибатда кутилган 970 минг сўм фойда ўрнига 12 миллион сўмлик зарар кўрилган.

Хўш, жамият аъзолари бундан тегишли хулоса чиқардиларми?

Афсуски, йўқ. Акс ҳолда хатолар бу йил яна такрорланмаган бўларди. Биринчи чорак якунини олиб кўрайлик. Тухум ишлаб чиқариш 58 фоизга бажарилди. Гўшт 18,5 тонна кам етиштирилди. Озуқа сарфи худди бултургидек ортиб кетди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олиб кўрилса, таннарх 151 фоизга кўтарилиб, 1,5 миллион сўмга яқин зарар кўрилди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам талаб даражасида эмас. Пули йўқ ташкилотга ҳам, қарздорга ҳам, негадир, маҳсулот бериб юборилаверган. «Умар ота» хусусий фирмасига шу йилнинг март ойида 140 минг сўмлик ортиқча маҳсулот жўнатилган. Тошкент парранда гўштини қайта ишлаш корхонасидан, «Абсидиан» тижорат фирмасидан, икки йилдирки, қарзлар ундирилиб олинмаяпти. Бу эса дебитор қарзларини кўпайтириб, 1 миллион сўмга етказди. Ёки шу йил январь ҳолатига кўра, кейинги икки ойда ана шу кўрсаткич икки барвар ошиб кетди. Низом фонди баланси ҳисоботи қайта кўриб чиқилганда, 1,5 млн. сўм атрофида фарқ аниқланди, минглаб дона акциялар чиқарилмаганлиги, ҳисоб-китоб тўғри юритилмаганлиги аён бўлиб қолди.

Шуларни ҳисобга олиб, корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш чоралари белгиланди. Жумладан, қўшимча акциялар чиқарилиб, меҳнат жамоаси ва аҳолига сотилади. Озуқа сарфи қатъий рационга киритилади, олдиндан пул ўтказган ташкилотгагина маҳсулот берилади, чет эл сармоялари жалб қилинади, ишлаб чиқаришда қатнашмаётган асосий воситалар, мол-мулклар эса «Кимошди» савдоси орқали сотилади.

Йиғилиш қарори асосида жамиятнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун «Пахтабанк»нинг вилоят бўлимидан берилган 7 миллион 200 минг сўмлик қисқа муддатли кредитнинг тўлаш вақти узайтирилди.

Ўтган йил якуни бўйича бюджет тўловларига оид қарзлар муддати ҳам икки йилга кечиктирилди. Буларнинг бариси корхонани молиявий соғломлаштиришга хизмат қилади. Агар уч ой муддатда бунга эришилмаса -- «Сайхон» ҳақиқий инқирозга юз тутади -- молиявий жиҳатдан бақувват бўлган бошқа бир корхонага қўшиб юборилади.

Тегишли комиссия корхонани мураккаб иқтисодий вазиятдан чиқариш юзасидан қарор қабул қилди. Унга кўра бир ҳудудда жойлашган ва бир хил муаммоларга эга бўлган иқтисодий ночор «Сайхон» паррандачилик ҳиссадорлик жамияти, Бобур номли ва «Тошбулоқ» хўжаликлари бирлаштирилиб, кўп тармоқли ягона агрофирма ташкил этилди. Умид қиламизки, бу тадбир ўзининг ижобий самарасини беради.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

*Покистоннинг йирик шаҳарларидан -- Карачининг аҳоли яшайдиган мавзеларидан бирида кучли портлаш юз берди. Исломободдан олинган маълумотларга кўра, фожиа содир бўлган ҳудуд полиция томонидан қуршаб олинган, тиббий хизмат ёрдам учун юборилган. Ҳозирча воқеанинг қандай содир бўлгани ва қанча киши жароҳатлангани номаълум.*

### ИХТИЛОФ КУЧАЙМОҚДА

***Комбоджанинг иккинчи бош вазири Хун Сен раҳбарлигидаги халқ партияси кучлари Пномпеннинг ғарбий ҳудудидаги ҳарбий базани эгалладилар. Ушбу ҳарбий истеҳком монархия тарафдор бўлган биринчи бош вазир Нородом Ранарит гуруҳининг сўнгги таянч нуқтаси эди. Эндиликда Хун Сен тарафдорлари мамлакат пойтахти ҳамда унга яқин ҳудудни бутунлай ўз тасарруфига олдилар.***

### ЯНА БИР ФОЖИА

*Ҳиндистоннинг Ражастхон штатидаги Жайпур шаҳри яқинида икки йўловчи автобус тўқнашиб кетди. Натижада ўндан ортиқ киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар эса жароҳатланди, дея хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.*

### БИТИМГА АМАЛ ҚИЛМАЁТИР

***Конго пойтахти Браззавилда мамлакат Президенти Паскал Лиссубега содиқ бўлган армия қисмлари билан Дени Сассу-Нгессо раҳбарлигидаги мухолифат кучлари ўртасидаги ихтилоф ҳамон давом этмоқда. Гарчанд томонлар ўқ отишни тўхтатиш ҳақида битимни имзолашган бўлса-да, бунга ҳозирча амал қилинаётганича йўқ. Натижада ҳар икки томондан кўплаб одамлар ҳалок бўлмоқда.***

### ПАРТИЗАНЛАР ҲУЖУМИ

*Колумбиянинг шимоли-шарқидаги Араука департаментида мамлакат ҳарбий кучларига тегишли бўлган Ми-8 вертолётини партизанлар уриб туширди. Натижада 20 нафар ҳарбий ва 4 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди, 4 нафар аскар қутқарилди.*

### АЛБАНИЯДА САЙЛОВ

***Албанияда парламент сайловларининг иккинчи босқичи ўтказилди. Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда социалистик партия ўз мавқеини янада мустаҳкамлаган. Улар 32 сайлов округининг 16 тасида мутлақ ғолиб чиққан. Демократик партия эса фақат бешта сайлов округида муваффақият қозонишган.***

**Хорижий матбуот хабарлари асосида мухбиримиз Х. АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

